11 (445)

2005 йил 16 март

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
"Сув малакми", "Сумалак"?
Қайроқсойга кўприк солдилар

3
Қўрғонтепалик Лимон бобо
"Кўниктирма маркази" кўмак беради!

4
Фурқату Муқимий таҳсил олган мадраса
Олисдаги "ошногинам"...

ПРЕЗИДЕНТ СЛОВЕНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни расмий ташриф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

— Словения Европадаги иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. — Словения иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириб бормоқда. 2004 йил мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 28 миллиард АҚШ долларига етган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Европа давлатлари, хусусан, Словения билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Словения яқинда НАТОга қабул қилинди, Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Словения билан фантаълим, тўқимачилик, фармацевтика, пахтани қайта ишлаш, электроника каби соҳаларда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиши мумкин. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар етарли.

Ташриф чоғида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган.

ЎзА

Бугуннинг нафаси

НАВРЎЗ — ЭЛ КЎНГЛИНИНГ ИФОДАСИ!

Наврўз қадим, эл қадим! Лекин ҳар бир Наврўзда туғиладиган туйғулар, қувонч ва севинчлар янги! Бир-биримизга билдирадиган тилаклар, дийдоримизни истаган соғинчлар янги!

Наврўз — янги кун демакдир, дейман.

О, Наврўз! Сенинг дийдоринг, сенинг соғинчинг бўлак! Наврўз деганда қадим боболаримнинг қўнғироқдай овозини, момоларимнинг қўшиқдай жаранглаган кулгуларини эшитаман. Наврўз десалар қадим элим, кураги ерга тегмаган полвонлари билан, қўлларига китоб тутган донишмандлари билан бир-бирини аяб, суяб келаётган одамлари билан, қошлари қалдирғочнинг қанотидай, сочлари мажнунтолнинг хивичларидай қизлари билан намоён бўлади. Бунинг завқи ўзгача, буни ҳис қилиш қандай бахт!

Наврўз элнинг кимлигини дунёга таратадиган, юртнинг буюклигини кимларгадир танитадиган, Ўзбекистон ранглар дунёси эканлигини яна бир бор эслатадиган улуғ байрамдир! Наврўзни нишонлайдиган халқлар кўп, юртлар кўп! Лекин бизларчалик бу байрамдан қувонадиган, суйиб-суйиб уни йўқлаб боғларга, қирларга, тоғларга интилган эл камдан-кам бўлади.

Кўз олдимизда бўлди-ку, Наврўзимизни диний байрам деб қоралагани ҳам, ёдимиздаку, сайҳонлардан одамларини қувиб, сумалак тўла қозонларимизни сувга оқизишганлари. Эл йўлдан қайтмади, суйгулик Наврўзни йўқлаб келаверди, келаверди. Жилмайиб турган Наврўзнинг қучоғи очиқ эди, севиниб турган Наврўзнинг кўзлари ёш эди!

Элнинг йўқлови ҳамма кунга баробар эмас, ҳамма байрамга ҳам соғиниб келмайди, эл! 1 май дейишди, 7 ноябрь дейишди, назардан қолди улар, халқнинг дилидан эмас, кунларнинг белгисидан чиққан байрам эди улар!

Наврўз — ота-боболаримиздан қолган қутлуғ мерос!

Наврўз — эл кўнглининг ифодаси!

Наврўз — остона!

Юртга яна Наврўз келмоқда, соғинч, ният, оқибат, меҳр-муҳаббат келмоқда!

Улуғ ёшли боболарим-момоларимга ўтган умрларининг ҳар лаҳзасига шукрона айтар пайти келди!

Елкасида кетмони, белида белбоғи бор деҳқонларимга Оллоҳдан ризқи-рўз ва барака сўраш фурсати келди!

Оналаримизга ҳар фарзанднинг юзларида табассум, қадамларида гул, юрган йўлларидан савоб излаган дақиқалар келди!

Йигитларимиз ва қизларимизнинг муҳаббат осмонидан ўз юлдузларини танлашга имкон келди!

Болажонларим, кўзлари мунчоқдай, баҳор куртакларидай беғубор меҳрибонларим, Наврўзга соғинч билан тикилиб турадиган лаҳзалар келди! Ранглардан кўзлари қамашиб турибди, элни кўриб бир ҳайқирди, кўкрагини бир кўтарди, шундай катта элнинг боласи эканини тушуниб, қуёшга қаради, нурларга чўлғонди!

Наврўз! Яшил майсаларда қадам излари, қизлар сочларида тол попук, қозонларда сумалак, ҳалим, одамларнинг юзларида эса қуёш!

Наврўз! Ниятлар яшилланди, орзулар куртакланди, йўллар узайди, юрт очилиб кетди!

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

Устюрт этакларидаги Шўманай тумани Деҳқонобод овули меҳнаткашларининг бу галги Наврўзи олам байрамолди тантанасида бир гуруҳ қизлар баҳорий пишириқлар билан тўкин дастурхон атрофига йиғилган ёшу қарини чанқовузда янгроқ куйлар ижро қилиб хушнуд этишди. Боиси бу эсдан чиқаёзган миллий мусиқа асбобини ясаш, унда янгроқ куйлар ижро этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да!

НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИДА ЧАНҚОВУЗ САСИ

Тантаналардан сўнг барчага хуш кайфият бахш қилган чанқовузни (уни маҳаллий аҳоли чинқўбиз ҳам деб атайди) 78 баҳорни қаршилаган Уста Наврўзимбет ясаганлигини эълон қилишганда отахонга "тасанно!" дея олқиш айтганлар кўп бўлди.

Дарвоқе, Уста Наврўзимбет ҳақида. Унинг меҳнат фаолияти бошланганига ҳам 60 йилдан ошган. Деҳқонободдаги энг обрўли қариялардан бири ҳисобланган бу инсон темирчиликни дадаси Қозоқбойдан ўрганган. Ўшанда улар Қўнғирот туманида истиқомат қилар эканлар. Касб-кор сир-асрорларини обдон ўрганган Наврўзимбет Қўнғирот МТСида темирчи уста сифатида эҳтиёт қисмлар тайёрлашда фаол қатнашади. Ишдан бўш пайтларида чилангарлик, дурадгорлик, пайвандчиликни ҳам пухта ўрганиб олади. Гоҳо-гоҳо отаси Қозоқбойдан ўрганганини — чанқовуз ясаш билан ҳам шуғулланиб, хоҳловчиларга бу сирли мусиқа асбобини тайёрлаб беради. Деҳқонобод овулига кўчиб келишгач, унинг касбини ўғиллари Умрбой, Жўллибойлар давом эттирдилар.

— Яқинда овулимизнинг бир гуруҳ қизларида халқимизнинг бу мусиқа созини ўрганиш истаги борлигини эшитиб бошим кўкка етди, — дейди уста. — Улар Наврўз байрамолди тантанасида чанқовузнинг сасини баланд пардаларда янграт-дилар.

...Кўпни кўрган отахон миллий соз асбобларидан бири — чанқовуз Қорақалпоғистоннинг бошқа жойларида ҳам ўз ўрнини топишига қатъий ишонади!

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

19 март — Умумхалқ хайрия ҳашари куни

ҲАШАР МОҲИЯТИ

Асл инсоний хислатлар, халқ ҳаёти фаровонлигига хизмат қилишга қаратилган анъаналар, урф-одатлар йўқолмайди, халқ орасида яшаб юраверади. Буни биз одатда асл қадриятлар деб ҳам атаймиз. Ҳашар — халқимизнинг ана шундай асл қадриятларидан бири. Негаки юқорида таъкидлаганимиздек, ҳашар бу халқ, юрт фаровонлигига хизмат қилувчи том маънодаги инсоний хислатларимизнинг намоён бўлишидир. Баъзан турли халқларнинг хислатларини унинг қилаётган ҳаракатларидан ҳам қидиришади ва баҳолашади. Шундай бўлган тақдирда ҳашарда бизнинг кўплаб халқларга ўхшамаган, ўзимизга хос хислатларимиз мужассамдир, дейишга ҳақлимиз.

Ана шу хислатларимиз жамият, инсоният ривожига, халқпарварликка хизмат қилгач, биз киммиз? Биз халқпарвар, жамиятсевар халқмиз-да. Назаримда юртимиз бўйлаб эълон қилинган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ва шу ойда, яъни 19 март куни ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарини, бугун халқимизга кўтаринки руҳ, кайфият бағишлаётган Наврўз байрамига оид тадбирларнинг барчасини ана шундай нуқтаи назар билан тушунмоқ, ҳис қилмоқ керакдай.

Дунёнинг ҳеч бир бурчида табиатнинг табиийлиги бизнинг юртдагичалик эмас. Айниқса бу ҳолат ушбу йилда яққол сезилди. Баҳорнинг илк кунидан табиат бизни сийлаб, замин елкасини қизитди. Бутун дов-дарахтларга жон кирди.

Она табиатнинг ижодкорлигини қаранг: дов-дарахтлар, кўплаб экинтекинлар гуллаб, аввал бизнинг кўзимизни қувончга тўлдиради. Сўнг улар мевага айланиб, дастурхонимизни тўкин қилади.

Табиатнинг юртимиздаги шу хислати халқимизнинг ҳам қон-қонига сингган. Табиат билан бирга одамларимизнинг меҳнатга, меҳр-оқибатга, саховатга, умуман хайрли ишларга бўлган қизиқиши ҳам янада ортади. Аслида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури ижросига оид, айни пайтда халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, республикамиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга ҳозирлик кўриш мақсадидаги Фармойиши ҳам ана шу хислатларнинг ҳаётийлигини таъминлади.

Одатда биз баҳор келиши билан кўпроқ қишлоқларимизда, бободеҳқонлар фаолиятида уйғониш бўлишини тасаввур қилардик. Мана, бир неча йилдирки, баҳор нафақат қишлоқ, балки республикамизнинг барча жойларида қизғин ҳаракатнинг бошланиши бўлиб намоён бўлмоқда. Биргина пойтахтимиз — Тошкент шаҳри маҳаллаларини кезган ҳар бир одам буни кўради, ҳис қилади. Ҳозир мавжуд маҳаллалар мутасаддилари, фаоллари, шунингдек, ўз фаолиятларини янгидан, самарали йўналиш билан бойитган Уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасаддилари, ҳамда улар даъватига қўшилган барча маҳалладошлар гул, дарахт кўчатлари экиш, дарахтларни оқлаш ва бўяш, кўча-йўлакларни тартибга келтириш, гулзорлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқларни тозалаш каби хайрли ишларга бош қўшганлар. Ойлик бошлангандан буён маҳаллаларда, айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида ноқонуний равишда юзага келтирилган тўсиқлар олиб ташланди, улар ўрни текисланиб, дарахтлар экилди. Бу тадбирлар халқимизга хос бўлган кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашиш каби ҳаракатлар билан давом этмоқда. Бугун бу ишлар хайрия ташкилотлари, ҳомийлар, саховатли юртдошларимиз томонидан амалга оширилмоқда.

19 март — умумхалқ хайрия ҳашари юртдошларимиз учун бундай хислатларни янада яққолроқ намоён қилиш имкониятидир. Ҳашар муносабати билан барча фаолиятдаги юртдошларимиз ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини "Маҳалла" хайрия жамғармасининг жойлардаги ҳисоб рақамига ўтказадилар. Бу юртдошларимиз учун янгилик эмас. Айни пайтда бундан кўзланган мақсад ҳам ҳаммага тушунарли. Шунингдек, ўтган йиллар тажрибаси бундай хайрли ишнинг самарасини ҳам яққол кўрсатди.

Ана шундай дамларда баъзи бир фикр-мулоҳазалар ҳам туғилади. Бугун қанчадан-қанча ноқонуний қурилмалар, тўсиқлар олиб ташланмоқда, уюм-уюм бўлиб қолган ахлатлар ўрни тозаланмоқда, умумий фойдаланишдаги уйлар атрофи тозаланиб, таъмирланмоқда. Хўш, бунгача нега қилинмади ва шундай ҳолатга келиб қолгунча нега кутиб ўтирилди? Шундай саволни маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва фаолларига бериш шубҳасиз ўринли бўларди. Шунингдек, баъзи бир фуқароларимиз уйлар атрофини тўсиқлар, кераксиз дов-дарахтлар билан ўраб, бошқаларга ноқулайлик яратгани, атрофни ифлослантиргани, турли кўринишдаги жиноят ҳаракатларига қулайлик яратиб қўйгани етмагандек, бу ишни бартараф этишга бош қўшганларга ҳалақит беришади, уларни олиб ташлашга қаршилик қилишади. Бу аслида халқимизнинг асл қадриятларига ҳам, барча учун бир хил бўлган қонунларга ҳам зид-ку?! Бу ўринда умумхалқ ҳашари нафақат ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва моддий кўмаклашиш тадбири бўлиб қолмай, балки одамлардаги шундай салбий хислатларни енгиб, уни бартараф этувчи маънавий юксалиш йўли ҳамдир. Ҳашар куни ҳамма ўзлигини англаб, бир-бирини тушуниб фаолият кўрсатадиган кундир.

Чори ЛАТИПОВ

— Яна нима дейди?

— Шанба куни ҳашарга чиқинг, — дейди.

ҚАШҚАДАРЁ /ЎзА мухбири Аҳад Муҳаммадиев/. Қаршида дуатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якунланди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг марказий кенгаши Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган мазкур мусобақа Сиҳат-саломатлик йили ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланди.

Унда олтмишга яқин спортчи иштирок этди. Улар югуриш ва велосипедда юриш бўйича куч синашди. Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Фарғона вилояти иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий биринчиликда тошкентлик спортчилар Павел Растригин, Екатерина Кандакова, Артем Михеев ҳамда Николай Ильин ўз йўналиш бўйича ғолиб чиқди.

Мусобақа ғолиблари шу йил 21-28 март кунлари Таиландда ўтадиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

«КУЛОЛ» — ОЛТИН СОВРИН СОҲИБИ

Яқинда Теҳронда /Эрон/ бўлиб ўтган халқаро анимация фильмлари кинофестивалида «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Кулол» фильми олтин совринга сазовор бўлди. Ўзбек фильмига ушбу нуфузли мукофот анимацияда энг яхши фалсафий мавзу учун берилди.

Фильм компьютер графикаси ёрдамида суратга олинган. Унда оддий кулолнинг мураккаб ҳаёт йўли ҳақида таъсирчан ва ўзига хос тарзда ҳикоя қилинади. Ҳаттоки, уруш оқибатлари туфайли кўрган азоблари ҳам устани севимли касбидан, оддий лойдан ҳақиқий ажойиб буюмлар ясашдан воз кечишга мажбур эта олмайди.

«Кулол» фильмининг сценарий муаллифи Светлана Муродхўжаева, режиссёр Дмитрий Власов.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ ГУРУҲ ФОШ ЭТИЛДИ

Испанияда халқаро уюшган жиноий тўда фаолияти фош этилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, ўтган ҳафта ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 40 дан зиёд шубҳали шахс ҳибсга олинган.

Улар - Испания, Франция, Марокаш, Финляндия, Россия ва Украина фуқаролари - катта миқдордаги пул маблағларини ноқонуний муомалага киритишда гумон қилинаётир. Полиция вакилларининг таъкидлашича, бу Европада фош этилган энг йирик молиявий жиноятдир.

Жиноятнинг очилиши бир йилдан буён Европа Иттифоқи (ЕИ) ҳудуди бўйлаб ўтказиб келинаётган «Оқ кит» операцияси доирасида эришилган жиддий ютуқлардан бўлди. Унда ЕИ мамлакатлари полиция бошқармаларининг 300 га яқин ходими ҳамда Интерпол вакиллари иштирок этмоқда. Операция натижасида бугунги кунга қадар ноқонуний тарзда орттирилган пулларга харид этилган икки юздан ортиқ кўчмас мулк, қиркка яқин замонавий русумдаги автомобил, яхта ва 2 самолёт мусодара этилди. Кўплаб банклардаги ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилди.

Жиноий гуруҳ Испаниянинг Марбелья шаҳридаги Del Valle Abogados адвокатлик фирмаси орқали пулларни айлантириш билан шуғулланган. Текширув жараёнида Россиянинг ЮКОС нефть компанияси ҳам мазкур идора мижози бўлгани аниқланди. Тахминларга қараганда, у Нидерландиядаги шўъба корхонаси орқали ўз сармояларини Del Valle Abogados ёрдамида расмийлаштириб, Испания банкларига жойлаштирган.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

БИТИКЛАРДА НАВРЎЗ ТАЛҚИНИ

"Наврўзи айём бошланиб, ерлар сабза рангга кирган, лолалар ҳаммаёқни анбар сасига тўлдириб жилва қиларди, атроф бошдан-оёқ чаманзорга айланган, гул-гиёҳлар табиатни янги либослар билан ўраб-чирмаган каби жойлардаги ҳар бир гул моҳитобонлар руҳсорларини эслатарди. Гулзорлар устига баҳори найсон булутидан ёмғирнинг ҳар бир томчиси дурру ғалтоқалик бебаҳо бўлганидай, тангри таолонинг ҳар бир каломидан бол, наинки бол, балки оби кавсар томиб, кишиларни баҳраманд этмоққа чорларди..." деб қайд этилган экан битикларда.

Наврўз ҳақида Шарқ халқларида турлича талқинлар мавжуд. Қадимда афсона ва ривоятлар талқинича ҳар йили гуллар фаслида гўё кўкдан эгнига ипакдан тайёрланган юпқа узун ва кўк зарнигорли кўйлаклар кийган, садафнинг ичидаги бамисоли гавҳарга ўхшайдиган шаҳло кўзли гўзал ҳур-парилар тушиб, таомлар тайёрлашган ва то тонгга қадар гап-гаштак, ўйин-кулги қилишар эмишлар. Тонг маҳали эса улар яна самога кўтарилиб ғойиб бўлар эканлар. Бу манзарани кўрган ерликлар ҳайратдан: "Си Малак", "Си Малак" дейишибди. Бу сўз туркийга ўгирилганда "Ўттиз малак" ёки "Ўттиз пари," деган сўзни англатган. Одамлар парилар томонидан тайёрланган тансиқ, лаззатли таомни тамадди қилишиб, уни "Си Малак" сўзидан "Сумалак" деб атай бошлашган эмиш.

Бошқа ривоятларда ёзилишича, гўё сув парилари ҳар йили айни гуллар фасли кечаларида ой ёғдусида қирғоққа чиқиб, турли-туман таомлар тайёрлашар, дилхушлик, ўйин-кулгини авж олдириб, тонгга қадар сайр қилар эмишлар. Сўнг, тонг маҳали бегона одамларнинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қилиб, яна сувга тушиб кўздан ғойиб бўлар эмишлар. Ерликлар улар тайёрлаган мазали таомдан тамадди қилишиб, бунинг сирини ўрганишган ва янги таомга ўша сув малакларининг номи билан "Сув Малак" деб ном беришган. Бора-бора бу сўз истеъмолда "Сумалак"ка айланиб кетган экан...

Мазкур ривоятлар замиридаги сумалак ва у билан боғлиқ рамзий эзгуликни тараннум этувчи одатлар Наврўз байрами удумининг тарихи ҳақиқатан ҳам жуда олис мозийга бориб тақалишига ишорадир.

Қадимий битикларнинг бирида шундай деб ёзилади: Наврўз айёми бошланадиган кунлари эрта тонгдан шаҳарнинг барча ерларида карнай, сурнай ноғоралар янграб, элни қутлуғ, Янги йил — Баҳор байрамини нишонлашга чорлай бошлаган. Шу кунда мамлакат ҳукмдори томонидан шаҳар ташқарисидаги кўм-кўк яшилликлар, гулу чечаклар барқ урган қуюқ майсазорлар ястаниб ётган кенг сайҳонликда байрам ўтказилиши учун махсус жой танланиб, уни "Наврўзгоҳ" деб аташган. Айни байрам ўтказиладиган кун етиб келганда ҳукмдор ўша ерга карнай-сурнай, ноғора садолари остида Ўрда дарвозасидан ўзининг барча яқин кишилари, оила аъзолари, давлат арконлари, ҳарбий қўшин қўмондонлари ҳамроҳлигида, тамомила бошдан-оёқ оқ кийинган суворий ҳолида, тантановор тарзда чиқиб келган ҳамда сайҳонлик сайлгоҳи ўртасида подшоҳ учун тўшалган катта оқ кигиз ўртасига келиб ўтирган. Шунингдек, ҳукмдор билан бирга бу ерга мамлакатга ташриф буюрган кўпгина хорижий давлатларнинг элчилари, ваколатланган бообрў мўътабар зотлари ҳам қадам ранжида қилганлар.

Байрам тантаналарига жамулжам бўлган шаҳарнинг жамики ёшқарики, фуқаролари ҳукмдор ва у билан бирга бу ерга келганларни зўр дабдаба, иззат-икромда, олқишу гулдурос қарсаклар остида кутиб олишган. Дастурхонлар ёзилиб, улар турли-туман ноз-неъматлар билан тўлдирилган. Уларга сумалак, ҳалим, баҳорги кўк сомсаларга ўхшаш тансиқ неъматлар ҳам қўйилган.

Ҳукмдор барча билан ҳол-аҳвол сўрашиб, баҳор байрами билан қизғин табриклагач, ҳаммани ноз-неъматлардан танаввул этишга чақирган, ўзи ҳам шундай ноз-неъматлардан танаввул эта бошлаган. Бу кунда араз-ғараз, гина-қудрат, низо ва бошқа номақбул иллатлар тамомила унутилиб, одамлар бир-бирларини қучоқ очиб янги йил — Наврўз байрами билан самимий қутлаганлар.

Бу кўҳна байрам турли халқларда йилнинг турли фаслларида ўтказилиб келинаётган бўлсада, Ўрта Осиё минтақасида бу маросим йилнинг табиат уйғонган ойларида, Янги йил тарзида ўтказилиб келинган. Айнан бизнинг диёримиз тарихи бўйича мазкур удум Ҳамал ойи — март ойининг 21-кунига тўғри келган. XV аср ўрталарида яшаган буюк сайёҳ ва муаррих олим Ибн Рузбехон жўшиб, тўлқинланиб шундай деб ёзади:

"...Мен айни фасли баҳор айёмида — Наврўз тантаналари бошланган кунларда қайси ерларга бормай, кишини оҳанграбодек тортадиган беҳишт нишонлик манзилгоҳга айланиб, сеҳри гулу чечакларга тўла, бамисоли ажойиб-ғаройиб "Боғу Эрам" сайлгоҳини эслатишини кўрдим. Қарангки, танти табиат ила бор саховатини сахийлик билан тўккан ва бу ўлканинг бир четидан иккинчи четигача киши кўнглини тоғдай кўтариб, ажиб ҳисларга тўлдирувчи турли-туман хушҳидли ўтлоқлари сўзсиз гўзаллик оламини кашф этувчи ернинг беназир сепи, безагига, фаровонлик манбаига айланади. Гўё Наврўзни олқишлагансимон қир-адирларнинг дилларга ҳузур ҳамда ором берувчи шифобахш ёқимли об-ҳавоси ва ширин-шакар меваларга ғарқ боғлар, муқаррар дорусслом (жаннат)дан дарак берувчи адабийлик насимидан ривоят қилаётгандай туюлади. Айрим ерлардаги ястанган янтоқларнинг шохчаларини айтмайсизми, улар худди ипга тизилган олтин тангалар сингари кўм-кўк ўсимликлар орасида товланиб туришини кўрасиз. Агар янада яхшилаб назар солсангиз, бу шохчалар бешак Наврўз айёмини мадҳиялаб томирлардан ўсиб чиққан ёқутга ҳам ўхшаб кетишини сезасиз. Бадахшон лаълига ўхшаш ҳамма ердаги ранг-баранг анвойи гуллар базми-жамшидидан жаннатосор боғ-роғлар ҳам гўё рашк қилаётгандай туюлади. Чашма ва оби-замзам булоқ сувлари, латиф руҳфазо ҳавосини ҳам айтмайсизми, буларнинг ҳаммаси киши дил қулфини очиб, қалбларга мангу ҳаёт завқини бағишлайди..."

Бинобарин, Наврўз — тинчлик, қут-барака, шод-хуррамлик, эзгулик келтирадиган рамзий муқаддас удум бўлиб, у тоабад йўлчи юлдуздек бардавом этгусидир.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Тошкент шаҳри

МАСЛАҲАТЧИ ИНСПЕКТОРЛАР

Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими ходимлари мол-мулк, ер ва тадбиркорлардан ундириладиган солиқларни Давлат ғазнасига келиб тушишини таъминлаш билан бирга фуқароларни қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқдалар. Бу жараёнда бўлим асосан тумандаги мавжуд 20 та маҳаллада фаолият юритувчи маҳалла солиқ инспекторлари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари кўмагидан унумли фойдаланиб келмоқдалар.

СУРАТДА: ***тумандаги Қушбеги маҳалласи фаоллари Маҳмуда Баҳодирова ва Йўлдош Ҳожимуродовлар туман ДСИ инспектори Рустам Расулов билан суҳбатлашмоқда.***

Талаба дилидаги гаплар...

"КЎҲНА ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ШАЙДОСИМАН"

Кўҳна Шарқ сир-синоатлари, ғаройиботлари билан доимо инсонларни ҳайратда қолдириб келган. Айниқса, шарқ халқлари тарихи, дини, урф-одатлари бир неча ўн асрлик катта даврни босиб ўтган бўлса-да, ҳали-ҳамон олимлар, тадқиқотчилар, сайёҳлар эътиборидан четда қолгани йўқ.

Менда ҳам болалигимданоқ турли китоблар, эшиттириш ва кўрсатувлар орқали Шарқ оламига қизиқиш уйғонган эди. Ана шу иштиёқ менинг 9-синфни тугатиб Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейида ўқишимга ва кейинроқ Тошкент Ислом университети талабаси бўлишимга туртки бўлди. Айни пайтда мазкур илм даргоҳида ўзим орзу қилганимдек шарқ халқлари ўтмиши, маданияти, дин тарихидан чуқур илм олишга муяссарман.

Ўқув юртидаги тартиб-қоидалар, илму-маърифатга муносабат, толибу илмларнинг одоб ахлоқи биз ёшларнинг чин маънодаги маърифатли инсонлар бўлиб етишишимизга хизмат қилади. Энг муҳими, бу ерда диний ва дунёвий билимлар чамбарчас боғлиқликда ўқитилади.Талабаларнинг дастлабки курслардан бошлаб ўз йўналишларига доир мавзуларда илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб боришлари қатъий қоидага айланган. Эътиборлиси шуки, ушбу тадқиқот мавзуларининг ҳеч бири бугунги кун ҳаётидан ажралиб қолмаган. Улар давр ва жамиятдаги мавжуд долзарб муаммо ва масалалар билан узвий боғланган.

Мен ҳам ўз навбатида суриялик таниқли олим Ибн Қаййим ал-Жавзиянинг (1292-1394) араб тилида ёзилган "Ат-Тибб ан-Набавий" ("Пайғамбарона табобат") номли асари бўйича изланиш олиб бораяпман. Мазкур қимматли манбада жаноб Пайғамбаримиз С.А.В.-нинг табобатнинг деярли барча масалаларига оид ҳадислари жамланган. Инсоннинг сиҳат-саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, жисмоний ва маънавий камолоти йўлида нималар қилиш, нималардан юз ўгириш лозимлиги хусусида уқтирилган.

2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши том маънодаги шарқона донишмандлик, инсонларга бўлган беқиёс даражадаги ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Ушбу йилда олдимизга қўйган хайрли ишларни, режалаштирган тадбирларимизни амалга оширишда Шарқ алломаларининг, донишмандларининг бой илмий меросидан, қимматли тажриба ва фикрларидан ўз ўрнида фойдалансак, фойдадан холи бўлмайди. Бу эзгу ишларда эса ушбу соҳа билан шуғулланувчи мутахассис олимлар билан бир қаторда биз ёшлар ҳам фаол қатнашишимиз лозим.

Дилбар УБАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент Ислом университети талабаси.

Бўлинма фаолиятида

ЖАМҒАРМА ЖОНКУЯРИ МЎМИНЖОН АКА

Мўминжон Тошкент Давлат университетини битиргач, оддий ўқитувчи, шаҳар халқ таълими бўлимида услубчи, мактабда директор бўлиб ишлади. Мактабда ишлаб юрган даврида маҳалла фаолиятида фаол қатнашди. Маҳалладошлари 1989 йилда уни Райҳон маҳалласи фуқаролар йиғинига раис этиб сайлашди.

У маҳаллада ишлаган даврида ҳудудни ободонлаштириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ёшларни спортга жалб қилиш, етим-есирлар, якка ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Райҳон маҳалласи ҳар жиҳатдан шаҳардаги энг намунали маҳаллалардан бирига айланди.

Ташкилотчи ва тадбиркор, ишда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан оқсоқол 2003 йилда "Маҳалла" жамғармаси Қўқон шаҳар бўлинмаси раислигига сайланди.

Қўқон шаҳридаги маҳаллалар "Обод маҳалла йили" ва "Меҳр ва мурувват йили" дастурини бажаришда вилоятда намуна бўлди. Аксарият маҳаллаларда гузар ва спорт ишоотлари қурилди. Йўл ва кўприклар ўнгланди. Кўчалар четлари ва ариқлар бўйларига кўплаб гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори остида ўтган тадбирлар шаҳарда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишида ҳисса бўлди. Шаҳар Оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси бўлинмаси вилоятдаги шаҳар ҳамда туманлар жамғарма бўлинмалари ўртасида биринчилардан бўлиб ўзининг шинам "Маҳалла маркази"га эга бўлди.

Қўқонликлар Саҳат-саломатлик йилида ҳам кўплаб эзгу ишларни амалга оширишни режалаштирган. Бу йил шаҳарда ободончилик ишларини кенгайтириш, ишсизликка барҳам бериш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳар қачонгидан кўп ишлар қилинади. Мўминжон Абдуллаев 60 ёшга кирганига қарамай ғайрат-шижоатда навқирон ёшларга ўрнак бўлгулик инсон. Минглаб қўқонлик маҳалладошлар бошини қовуштириб, юқорида тилга олинган тадбирларни амалга оширишда Мўминжон аканинг айнан ана шу фазилатлари қўл келмоқда.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Спорт

ЗАФАР ҚУЧГАН ҚИЗЛАР

Навоий кон-металлургия комбинати, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят маданият ва спорт бошқармаси, "Маҳалла" ва "Соғлом авлод" жамғармалари вилоят бўлимлари саъй-ҳаракати билан яқинда Навоий шаҳридаги "Кимёгар" ўйингоҳида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди. Мусобақада саккиз жамоа иштирок этди.

Кўтаринки руҳда ўтказилган ушбу мусобақа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг спортнинг бадиий гимнастика турини янада ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини яққол кўрсатди. Танлаб олинган кадрлар, лаёқатли ёшлар билан тайёргарлик машқларининг юксак савияда ўтказилиши эришилаётган ютуқларга замин бўлмоқда. Мусобақа вилоят шаҳарларидагина эмас, ҳатто қишлоқ туманларида ҳам спортнинг мазкур соҳасига иқтидори баланд ёшларнинг янги авлоди етишиб чиқаётганлигини яна бир бор намойиш этди.

Байрамона руҳда ўтказилган ушбу вилоят биринчилиги мусобақасида Конимех тумани жамоаси фахрли 1-ўринни олиб ғолибликни қўлга киритди. 2-ўрин Хатирчи ва 3-ўрин Навбаҳор тумани жамоаларига насиб этди.

Ғолибликни қўлга киритган конимехлик бадиий гимнастикачи қизлар — Гўзал Тоирова, Сайёра Худойқулова, Диёра Худойқулова, Ғулойим Нуримбетова ва ДилораТемировалар тумандаги спорт мактабида таҳсил олмоқдалар. Уларнинг мураббийлари Саида Пўлатова ва Замира Бекмуродовалар шогирдлари зафаридан шод.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ҚАЙРОҚСОЙГА КЎПРИК ҚУРИЛДИ

Халқимиз "Йўл азоби — гўр азоби" деб бежиз айтишмаган. Ўттиз бир километрлик Бойсун — Дуоба йўлидаги ноқулайликлар бир неча ўн йиллардан бери "Дуоба" ширкат хўжалиги аҳолисини қийнаб келарди. Айниқса, баҳор серёғин келса, Қайроқсойдан ўтиш жуда мушкулларар эди. Ўтган йилда Дуоба маҳалласи фуқаролар йиғинига Юсуф Рабиев раис этиб сайланди. Янги раис сойга ҳашар йўли билан кўприк қуриш ташаббуси билан чиқди. Унинг таклифини маҳалла фаоллари ва аҳоли қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг оқсоқол бу ишларни туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашиб амалга ошириш режасини ишлаб чиқди. Кўприк қурилиши учун маҳалла ҳисобида маблағ йўқ эди. Шу боис аҳолига мурожаат қилинди. Дуобаликлар хайрли иш учун ўз маблағларини аямади. Шундай қилиб кўприк қурилиши бошланди. Бахтиёр Сатторов, Жума Бойев, Тиловмурод Зокиров, Абдуғани Аҳмедов, Исроил Мамадалиевлар ташкилий ишларга бош бўлган бўлсалар, шу маҳаллада туғилиб катта бўлган, айни пайтда республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида меҳнат қилаётган Самад Тойиров, Эркин Омонов, Мамараим Жумаев, Абдулла Алановлар қурилиш ишига ҳомийлик ёрдамини кўрсатдилар.

Узунлиги 42 метр, эни 4,5 метрлик бўлган кўприк тез орада қуриб битказилди. Ёзда чанг-тупроқ, қишда лой, ботқоқ бўладиган 31 километрлик йўлга ҳам шағал тўкиб бўлинди.

Иззат АҲМЕДОВ

Саломатликка ким маъсул?

— Тушунган одам ўз соғлиги учун аввало ўзи қайғуради, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Пўлат Бобоев. — Агар у ўзининг ҳолатини билиб, шунга мос ҳаракат қилса, умуман касалликка чалинмайди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳозир касалликка чалинаётганларнинг асосий қисмини озодаликка бепарво бўлаётганлар, оақатланишни тўғри ташкил этолмаётганлар, тиббиётнинг оддий талабларига риоя қилмаётганлар ташкил этади.

ГАР ЎЗИНГНИ ЎЙЛАСАНГ...

— Экологик мувозанатчи? — савол берамиз биз.

— Тўғри, ташқи таъсирлар ҳам бор, — дейди шифокор. — Лекин унга қарши курашиш мумкин. Сув зарарли бўлса, қайнатиб ичиш, ҳавонинг иссиқлигидан, қаҳратоннинг совуғидан сақланиш, иқлимга мос кийиниш, вақтида дам олиш, вақтида ишлаш каби эхтиёткорликлар инсон саломатлигини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Пўлат аканинг гаплари кишига таъсир қилади. Ўзимизга савол бера бошлаймиз. Хўш, эрталаб туриб бадантарбия қиламизми, фарзанларимизга сиҳат-саломатликнинг асоси шу эканлиги ҳақида уқтирамизми, ювиниш, дам олиш, зарарли оқибатлардан ўзни тийиш ҳақида насиҳат берамизми? Баҳор келди, заминда витаминга бой кўкатлар етилаяпти, ундан танаввул қиламизми?..

Бугунги кунда вилоятда 1 миллион 36 минг 500 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўнлаб марказий касалхоналар, юзлаб соғломлаштириш шахобчалари улар хизматида. 1 минг 191 нафар олий маълумотли мутахасислар, ўн мингдан ошиқ малакали тиббиёт ходимлари бу ишга маъсул. Ногиронлар, ота-онасиз, ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун ҳамма чоралар кўрилаяпти.

— Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан белгиланган дастуримизни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бизга яқиндан ёрдам бераяпти, — дейди бошқарма раҳбарининг ўринбосари Саид Дасанов. — Улар билан ҳамкорлик қилмасдан туриб, режаларимизни амалга оширолмаймиз. Сабаби, улар ўз маҳаллаларидаги муҳитни, шароитни яхши биладилар. Маҳаллаларда ўтказиладиган тарғибот ва ташвиқот ишларига кўмаклашадилар. Оқсоқолларнинг яқиндан берган ёрдамлари туфайли маҳаллаларда репродуктив саломатлик, камқонлик, яқин қариндошлар ўртасида бўладиган никоҳ туфайли юзага келадиган салбий ҳолатлар ҳақида тушунтириш ишлари ўтказдик. Бироқ ҳали биз шифокорлар халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида жуда кўп ишлар қилишимиз керак. Айниқса, одамларимиз ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш олдимиздаги энг биринчи ва энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Зеро, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон, деган нақл ҳам бежизга яратилмаган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

МАНФААТЛИ ФАОЛИЯТ

У ўқув-семинарда муҳокама этилган масалалар моҳиятини белгилади

Бугунги кунда атроф-муҳит экологиясининг бузилиши, аҳоли яшаш жойларидаги санитария-эпидимиологик ҳолатнинг ёмонлашуви инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Акмал Икромов туманидаги А.Навоий номли маҳаллада тузилган "Маҳалла экологияси" жамоат бирлашмаси фаолияти маҳаллалар ободончилигига ва инсонлар саломатлигига таъсир ўтказаётган ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш, хусусан, маиший чиқиндиларнинг тартибсиз сочилиб ётишининг олдини олиш, уларни тўплаб-саралаб, қайта ишлаш учун тегишли корхоналарга топшириш орқали қисман фойда олиш ва бунинг ҳисобидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Яқинда мазкур маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент Юридик коллежи, ҳамкорлигида "Маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш ва қайта ишлаш муаммолари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Семинарга "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари, шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари, БМТнинг "Атроф-муҳит" дастури лойиҳаси ва "Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш стратегияси" лойиҳаси менеджерлари ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар маиший чиқиндиларга эътибор, уларни қайта ишлаш муаммолари, чиқиндилар бошқарувида жаҳон тажрибаси, бу борадаги меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиши каби мавзулар юзасидан маъруза қилдилар.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Булоқбошилик тажрибали фармацевт Иброҳимжон Алибоев тадбиркорликда ўз кучини синаб кўришга аҳд қилди. У Булоқбоши туманида биринчилардан бўлиб "Ширин" ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди.

САРМОЯ САМАРАСИ

У туман аҳли саломатлигини таъминлашда қўл келди

Албатта, ҳар ишнинг ибтидоси сармояга бориб тақалади. Иброҳимжон аканинг бизнес-режасини туман тадбиркорлар палатаси ҳам, "Ҳамкорбанк" ҳам қўллаб-қувватлади. Банк тадбиркорга дастлаб 500 минг сўм кредит ажратишга қарор қилди. Бунга ҳам мана олти йил бўлиб қолди.

— Биз бу дастлабки маблағ ҳисобидан дорихонада капитал таъмирлаш ишларини амалга оширдик,—дейди Иброҳимжон ака. — Дори-дармон тайёрлаш ва сақлаш учун керак бўладиган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдик. Банк маблағни бериш билан чекланмай, уни ўзлаштириш ва тўлаш жараёнига ҳам ўз мутахассислари йўл-йўриқлари, кўрсатмалари билан кўмаклашди.

Натижада тадбиркор бир йил ичида оёққа турди, шу билан бирга банкдан олган қарзидан ҳам тўлиғича қутулди. Аста-секин фирманинг довруғи Булоқбошигагина эмас, яқин-атрофдаги туманларга ҳам ёйила бошлади. Дори-дармонлари бошқа дорихоналарга қараганда арзон ва ишончли бўган "Ширин" нинг мижозлари кўпайди.

Тадбиркорнинг маблағдан самарали фойдаланганлиги ва қарзни ўз вақтида тўлиқ узганлиги туфайли банк иккинчи мартта кредит беришга рози бўлди. Маблағлар фирма фаолиятини кенгайтиришга, ишчи-мутахассислар сонини кўпайтиришга ёрдам берди.

— Ўтган йилнинг март ойида учинчи кредитни олишга аҳд қилдик, — дейди Иброҳимжон Алибоев. — "Ҳамкорбанк"нинг Хўжаобод бўлими ходимлари бунинг учун барча зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда бизга кўмаклашишди.

Тадбиркорнинг дадил қадамлари, берилган кредитни ўз вақтида қайтара олиши "Ҳамкорбанк" мутасаддиларининг диққатини тортди ва банк энди анча катта — 6 миллион сўм кредит беришга рози бўлишди.

Кредит асосида тадбиркор туман учун навбатчи дорихона ташкил этди. Фирма илгарилари асосан тайёр дорилар сотиш билан шуғулланган бўлса, энди бу ерда стерил дорилар, кўз томчилари, малҳамлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Туман марказий шифохонаси ҳам кўпгина дориларни "Ширин"дан оладиган бўди.

Мамлакатимизда валютани эркин айрбошлаш йўлга қўйилгач, тадбиркор чет элдан, бевосита биринчи қўлдан, яъни ишлаб чиқарувчининг ўзидан дори-дармонлар келтиришни йўлга қўйди. Бу эса уларнинг анча арзонлиги ва кафолатланганлиги билан яна мижозлар этиборини тортмоқда.

— Агар ҳар бир ишга софдил, аниқ мақсад билан киришилса, ниятга етиш мумкин экан, — дейди суҳбатимиз сўнгида Иброҳимжон ака. — Албатта, бизга ишонган ва мадад берган "Ҳамкорбанк" жамоасидан миннатдормиз. Келажакда стерил дорилар ишлаб чиқаришни янада ривожлантирамиз. Туманимиздаги касалхоналар, чекка қишлоқлардаги шифо масканларига зарур бўлган барча дори-дармонларни етказиб беришни йўлга қўймоқчимиз.

ОБОД ЮРТИМ

Ўлкамизга баҳор кириб келди. Ҳамма жойда ҳовлиларни, кўча ва йўлларни тартибга келтириш, суғориш тармоқларини тозалаш ишлари авж олиб кетди. Вилоятимиз меҳнат аҳли ҳам тозалик ва ободончилик икки ойлигида фаол иштирок этмоқда.

— Туманимиздаги 37 та маҳаллаларда 88 мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Хўжаобод тумани бўлинмасининг раиси Каримжон Усмонов. — Бугунги кунда ана шу аҳолининг ишга яроқли қисми маҳаллаларни гўзал ва обод қилишда астойдил иштирок этмоқдалар. Тумандаги барча қабристонларни ободонлаштириш режалари ҳам белгиланган бўлиб, қатор юмушлар авж олдирилмоқда.

Тошкент — Ўш йўлининг Боғишамолдан "Дўстлик" божхона постигача бўлган қисмини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам туман меҳнаткашларига топширилган. Ҳозир бу борадаги ишлар қизғин тус олган. Тумандаги хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари ўзларига белгиланган участкаларда баракали меҳнат қилмоқдалар.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

ИСТИҚЛОЛ — ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ

Узун туманидаги Телпакчинор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Истиқлол маҳалласи — мустақиллик тенгдоши. Маҳалла 1991 йилда ташкил этилган.

Бу ерга айни пайтда келган одамнинг эътиборини дастлаб кўркам ва замонавий типда бунёд этилган маҳалла гузари ўзига жалб қилади. Маҳалла йиғини идораси ҳам гузар биносидан ўрин олган. Гузар ўн тўрт хонадан иборат. Ўн бир хонасида хизмат кўрсатиш шахобчалари, савдо ва тижорат дўконлари, ошхона, чойхона жойлашган. Қолган хоналар Мусулмон Менгбоев бошчилик қилаётган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари учун ажратилган.

Маҳалла Жўрақул Мирзаев номли ширкат хўжалиги худудида ташкил топган. Қудуқлик, Истиқлол, Новобод қишлоқлари унинг таркибига киради. Аҳолиси 3425 киши.

Бешта тегирмон, иккита савдо, олтита тижорат дўконлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси, битта мактаб, болалар боғчаси, қишлоқ ҳакимлик амбулаторияси аҳоли хизматида.

Дарвоқе, ширкат хўжалиги илғор. Пахта, ғалла, пилла, сабзавот етиштириш шартнома режалари туманда биринчилар қаторида уддаланади. Ҳатто режага нисбатан бир ярим, икки ҳисса кўп маҳсулот етиштирилади. Хўжаликда чорвачилик ҳам ривожланмоқда. Қорамоллар, қўй-эчкилар сони оширилмоқда. Натижада хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичи юқори. Даромад катта. Фойда ҳам шунга яраша. Хўш, бу ютуқлар ниманинг эвазига қўлга киритилмоқда? Албатта, бу маҳалла фуқароларининг якдилликдаги шижоаткорона меҳнати самараси, қаҳратон қишда яхоб кечиб, иссиқ ёз кунлари тўккан пешона терининг маҳсули. Шунинг учун маҳалла оқсоқоли ҳам, хўжалик раҳбари ҳам халқ ишига камарбаста. "Ҳовот", "Хуррам ота", "Хуршид" фермер хўжалиги раислари Шукрилло Омонов, Баҳодир Тошев, Хуррамбой Йўлдошевлар ҳар доим маҳалла одамлари орасида, уларнинг дарди-ташвишига шерик.

— Халқимиз меҳнатсевар, — дейди ширкат раиси Зиёдулла Турдиев. — Улар ўз вазифасини бажаришдан ташқари, ер билан тиллашадилар, деҳқончилик қиладилар. Олти юз элликдан ортиқ хўжалик ўзининг томорқа ерига эга. Ҳар бир оила ундан йилига беш-олти миллион сўм даромад олади. Бундан рўзғори бут, дастурхони тўкин уларнинг. Маҳалладаги яккаёлғиз, ночор оилаларга ҳам улар мададкор.

Новобод қишлоғидаги аҳолининг бир қисми табиий газ билан таъминланмаган эди. Маҳалла раиси бу ишга ташкилотчилик қилди. Ишни туман газлаштириш идораси бажарди. Ўрта ва паст босимга мўлжалланган қувурлар тортилди. Ускуналар ўрнатилди. Қишлоқ хонадонларида "зангори олов" ёнди. Шу тариқа ҳомийлар кўмаклашиб, ҳашарлар уюштирилиши туфайли юз хўжалик тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ҳар қишлоқда биттадан намунали кўча бунёд этилган. Сифатли асфальт бостирилган. Кўчанинг икки четида гул ўстирилган. Ўтган йили маҳаллада минг тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ва гул ниҳоллари ўтказилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич икки минг тупга етказилиши мўлжалланган. Муҳими шундаки, маҳалла аҳли экилган кўчатни ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Уни парваришлаб ўстиради, вояга етказади.

Бундан кўриниб турибдики, истиқлол тенгдоши бўлган Истиқлол аҳолиси ҳар бир ишга янгича фикр, янгича тафаккур ва янгича муносабат билан ёндошадилар. Бу эса маҳалланинг гуллаб-яшнашига, обод бўлишига сабаб бўлаяпти.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

ДЎСТЛИКНИНГ ҲАМКОРИ БОР

Бекобод шаҳридаги Дўстлик маҳалласида ободончилик билан бир қаторда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, маҳаллада болалар спортини ривожлантириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди.

Ўтган йили замонавий услубда қурилган болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт иншоотини бунёд этишда "Ўзбеккомбинат" АИБга қарашли қурилиш монтаж трести қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Эндиликда маҳалла болалари спортнинг бир неча турлари бўйича бевосита шу ернинг ўзида шуғулланиш имконига эга бўладилар. Яқинда эса улар учун 2 млн. 500 минг сўмлик спорт анжомлари ва инвентарлар олиб берилди.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим вазифалардан биридир. Маҳалла йиғини қошида 11 та комиссия фаолият юритади. Айниқса, ёшлар билан ишлаш ҳамда яраштириш комиссияларининг олиб бораётган ишлари самарали бўлмоқда. Турли соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий мавзуда ташкил этилаётган суҳбат ва маърузалар ҳам кўпчиликни қизиқтираётганлиги шубҳасиз. Шу боисдан ҳам маҳалладаги ажралишлар сони кескин камайган. Нотинч оилалар йўқ ҳисоби.

Сиҳат-саломатлик йилида эзгу ниятларимиз янада улкан, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Неъмат ака Ўришбоев. — Маҳалла озода бўлса, одамлар соғлом бўлиши табиий. Шу боис ҳудудимизни яшилликка буркамоқчимиз. Кўпроқ дов-дарахтлар экамиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Хорманг, маҳалладош!

"ЛИМОН БОБО"

Кўрғонтепа шаҳридаги Ойбек маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Муроджон Қурбоновни болалар ана шундай деб аташади. Чунки у яратган иссиқхонада қиш пайтида ҳам лимон, апельсин, мандарин, грейфрут, пальма ва гул кўчатлари етиштирилади.

Ўқувчилик пайтларида мактабнинг иссиқхонасида ўстирилган турли гул кўчатлари ва сабзавотларни парваришлашда иштирок этиб, биология ўқитувчиси Адашхон Камоловадан ана шу ўсимликлар ҳақида қизиқарли маълумотлар олиб улғайган Муроджон Андижон қишлоқ хўжалиги олийгоҳини тугатгач, бу соҳага жиддий киришди. Лимон, апельсин етиштириш технологиясини тадқиқ этиб борди, туманга ва вилоятга ўзи яратган цитрус маҳсулотларни етказиб бера бошлади. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгач, оила аъзолари билан биргаликда иссиқхона қуришди. Айни пайтда иссиқхонада цитрус мевалари, кўкатлар, саримсоқпиёз, турли-туман гуллар етиштирилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

СУРАТДА: "Лимон бобо" — Муроджон Қурбонов ўз иссиқхонасида.
Одилжон КОМИЛОВ олган сурат.

Хоразм вилояти

"ТОЗАБОҒ" ТАЛАБАЛАРИ

Қадим Хива шаҳридаги "Тозабоғ" қурилиш касб-ҳунар коллежи ташкил этилганига 30 йил тўлди. Шу давр ичида бу муқаддас маскан бағрида касб-ҳунар ўрганган юзлаб собиқ талабаларнинг ўғил-қизлари ҳам эндиликда шу ерда таҳсил олмоқдалар.

— Коллежимизда нафақат Тозабоғ маҳалласи фуқаролари, балки шаҳар ва туманларимизнинг барча маҳаллаларидан келган 282 нафар талаба умумқурилиш, дурадгорлик, мисгарлик, наққошлик, ўймакорлик каби касбларни пухта ўрганмоқдалар, — дейди коллеж раҳбари Ш.Иброҳимова. — Яқин келажакда ганчкорлик, рассом-дизайнерлик, хорижий тилларни ўрганишга йўналтирилган гуруҳларни ҳам очмоқчимиз.

Яқинда коллежда маҳалла ҳунармандлари кўргазмаси ташкил этилди. Тажрибали усталар коллежга ишга таклиф қилинди.

А.САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *Коллежга асос солган халқ устаси Сафо Боғибековнинг фарзанди, ўймакорлик устаси Абдушариф Боғибеков талабаларга ҳунар сирларидан сабоқ бермоқда.*

Инсон тақдири — юрт тақдири

ОЗОД ЯШАШ БАХТИ

У ҳар кимга ёр бўлсин

Баъзи инсонлар ҳаётда адашади, боши берк кўчага кириб қолса борми, жиноят ҳам қилиб қўяди, жазоланади ҳам. Муддатни ўтаб бўлгач яна тинч, эркин ҳаётига қайтади. Лекин уларнинг яна турмушда яхши яшаб кетишлари учун ҳаётда ўз ўрнилларини топиб олишларининг аҳамияти каттадир. Шу боис уларнинг ҳамсоялари, қариндош-уруғларидан ташқари "Кўниктирма марказ"лар фаолиятидаги мададкорлик ёрдамининг ҳам таъсири каттадир. Инсон саломатлиги, унинг ижтимоий муҳофазаси бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. "Кўниктирма марказ"лар ва уларнинг тутган ўрни, мавқеи, марказ мутасаддиларининг янгиланиш жараёнларидаги фаолиятлари тўғрисида Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Кўниктирма марказ" раҳбари Умида НИЁЗМЕТОВА билан суҳбатда бўлдик.

— Умидахон, кейинги йилларда сиз раҳбарлик қилаётган марказга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда, десак тўғри бўлармикан?

— Тўғриси, марказ ташкил этилганига ҳали унчалик кўп вақт бўлмади, ҳисоб. Назаримда, инсонпарварлик сиёсати боис, мазкур турдаги марказлар фаолият юритаётир. Ўтган давр мобайнида озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу марказ фаолиятда самарадорликка эришилди.

Жамиятимизда жиноят ва жазо билан боғлиқ сиёсатнинг амал қилиниши ва бу борада Конституциямизда илгари сурилган инсонпарварлик тамойиллари бошқа давлатлар сиёсатидан тубдан фарқ қилади. Жиноят кўчасига кирган ва қонун олдида тегишли жазосини олган шахсларнинг ҳам давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга олинишидан кўпчилигимиз хабардормиз. Аввало, буларнинг барчасидан кўзланган мақсад — айбдорни фақат жазолаш эмас, балки ахлоқини тузатиш, яна янги жиноят содир этмаслигининг олдини олиш, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишларини сўндирмаслик, эркин турмушда ўз ўринларини топиб олишларига кўмаклашиш каби эзгу вазифалардан иборат.

— Демак, жазо муддатини ўтаб келган шахсларнинг кейинги тақдири ва оиласидаги аҳволи ҳам марказ эътиборида бўлади, шундайми?

— Ҳа, шундай. Ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсадида юртбошимиз томонидан чиқарилаётган ва амалга оширилаётган фармонларда ҳам фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларига амал қилиш таъкидланмоқда.

Бу борада туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия фаолияти юзасидан комиссия аъзоларининг ҳисоботлари тингланмоқда. Ўтган йилнинг сентябр ойида туман прокуратураси, туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижроси мавзусида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларнинг кейинги тақдирлари, бирон-бир ишлаб чиқариш жабҳаларидаги фаолиятлари, ҳаётга муҳаббат қўйишлари, одамларга, ўз маҳалласига оқибатли бўлишларига қаратилган суҳбат ва маърузалар ўтказилди. Ички ишлар бўлими профилактика нозирларига ва маҳаллалар посбонларига улар билан боғлиқ масалалар юзасидан маъсулиятли вазифалар топширилди.

Туман марказий касалхонаси билан ҳамкорликда ушбу шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларга фуқаролик паспортларини ўз вақтида бериш таъминланмоқда. Касалликка чалинган шахсларга ёрдам ҳам ўз вақтида берилмоқда.

— "Кўниктирма марказ"дан керак бўлганда нафақат маънан, балки моддий мафаатдор бўлаётганлар ҳам бордир?

— Албатта, туман ички ишлар бўлими, марказий касалхона мутасаддилари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмоқда. Ўтган йил давомида 55 нафар шахс марказга моддий ёрдам сўраб мурожаат этди. Уларнинг оилавий аҳволи билан яқиндан танишилгач, 53 нафарига 1 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. 7 нафар шахс даволанмоқдалар, меҳнатга лаёқатли бўлган 44 нафари эса ишга жойлаштирилди.

Мамлакатимизда тарихан қисқа давр мобайнида қанчадан-қанча бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари амалга оширилди. Ана шулар қаторида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги амалий тадбирлар қўлланилаётганлиги қувончли ҳолдир. Аҳолининг турмуш тарзида, оиласи даврасида, ўзи истиқомат қилаётган маҳалласида қадр-қиммати бор экан, демак, унинг яшашга бўлган иштиёқи сўнмаган. Эзгулик йўлида фидойилик кўрсатишга имконлари етарли.

— Жазони ўташ жойларида аёл кишининг ҳам учраши энг аянчли, хунук ҳолдир. Зеро, аёл аввало она, севимли ёр, ардоқли сингил ва қолаверса инсон фарзанд сифатида қадрланади.

— Тўғри, жиноят кўчасига кириб қолган аёлларимиз йўқ эмас. Шу боис марказимиз эркаклар билан баб-баробар аёлларга ҳам малакали хизмат кўрсатади, дардига малҳам бўлишга интилади, мадад қўлини чўзишга доимо шай. Бу борада жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг фаолиятларидан ҳам фойдаланмоқдамиз. Улар лозим бўлганда бундай кишиларнинг оилаларига бориб, турмуш тарзи билан танишиб, зарур ёрдам беришни зиммаларига олишмоқда. Фарзандлар тарбиясидаги муаммоларни ҳал этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг кўпгина маърузаларида шу масканда туғилиб, шу муқаддас заминда камол топаётган ҳар бир инсон манфаати, унинг осуда, тинч ҳаёти тўғрисида фикрлар, амалий тавсиялар берилган. Демак, соғлом турмуш тарзимизни шакллантириш фақат ўзимизгагина боғлиқ. Ҳуқуқ ва эркинлик, озодлик нашидасидан баҳраманд бўлишга ташналик сезиб яшаш бахти ёр бўлсин.

Шоназар МУРОДОВ
суҳбатлашди.

Олам турфа

НИДЕРЛАНДИЯНИНГ

Арнем шаҳри яқинидаги қишлоқда яшовчи тегирмончи Яков Ван Гроотни ҳамқишлоқлари фаврланиб полвон дейишади.

Бунинг боиси бор албатта. Чунки тегирмончи бир йўла беш қоп ёки 350 кило буғдой унини кўтара олади. Унинг орзуси 550 килограмм юк кўтаришдир. Бу тегирмон ҳовлисидаги тегирмон тошини оғирлигидир.

Халқаро спорт мусобақаларида қатнашмайсизми, деган таклифларга у хазил билан "мағлубият аламига чидай олмайман", дейди.

ТЕГИРМОН ҚАНОТИДА

Голландиянинг Харлем шаҳрида тўрт нафар йигит тортишиб қолди: шамол тегирмони паррагида ким кўп айланиш.

Шундай қилиб тўрттовини ҳам тегирмоннинг тўрт паррагига маҳкам боғлашди ва тормозни очиб юборишди. Бахтга қарши шу куни қаттиқ шамол бўлаётганди, шу важдан паррак катта тезлик билан айлана бошлади. Уч дақиқа ўтар-ўтмас икки йигитнинг аҳволи ёмонлашиб қолди, яна бир дақиқадан сўнг эса учинчи йигит узр сўраб бу ўйиндан чиқишини айтди. Тўртинчи йигит эса бамалол айланишда давом этаверди. У Гебрид оролидан келган (сайёҳ) Роберт Бейли эди. Айтишларича, Роберт паррак айланаётган пайтда қаттиқ ухлаб қолган.

РАҚСЛАР ГУЛДАСТАСИ

Нью-Йоркда шундай аньана бор, унинг номи "Трепо-мэния", яъни "нечеткомания".

Ҳар йили Нью-Йоркдаги машҳур "Эмпайр стейт билдинг" осмонўпар биносининг қаршисида жойлашган 34-кўча Америконинг турли бурчакларидан келган (ўз ҳисобига) рақс шинавандаларининг аньанавий байрами бўлади. 1993 йил об-ҳавонинг иссиқ ва дим бўлишига қарамай, байрамда қатнашувчилар сони рекорд кўрсаткичга етди.

Бир йил бурун 4877 киши рақсда қатнашган бўлса, 1993 йилда 14 ёшдан 84 ёшгача бўлган 5279 нафар одам иштирок этди. Қизиғи шундаки, уларнинг бари бир хил — жигарранг майка билан оқ шляпа кийиб олишган эди.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Баҳор завқи

ЯНА НАВРЎЗ КЕЛДИ

Яшаш, яшаришнинг
элчиси бўлиб,
Чақалоқдек кўзин
очмоқда куртак.
Кутмоқдаман қувонч,
ташвишга тўлиб,
Яна Наврўз келди,
сендан йўқ дарак.
Ёдингдаму гуллар
ханда отганда,
Сумалак сайлида,
қуёш ботганда,
Лол эдик илк бўса
таъмин тотганда,
Яна Наврўз келди,
сендан йўқ дарак.
Ялла, қўшиқларга
жўр бўлиб санам,
Бирга аҳду паймон
айлаган оқшом,
Қайтармикан дея
кўзларимда нам,
Яна Наврўз келди,
сендан йўқ дарак.
Гарчи келар экан
такрор ва такрор,
Бизлар учун азиз
бўлган бу баҳор,
Неъмат сени қўмсаб,
битмоқда ашъор,
Яна Наврўз келди,
сендан йўқ дарак.
Яшаш, яшаришнинг
элчиси бўлиб,
Чақалоқдек кўзин
очмоқда куртак.
Кутмоқдаман қувонч,
ташвишга тўлиб,
Яна Наврўз келди,
сендан йўқ дарак.

Неъмат ОРИФ,
Шифокор.

Обидалар тарихи

КЎКАЛДОШ ҚУРГАН "КЎКАЛДОШ"



Кўкалдош Мадрасаси — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик бўлиб, шаҳар марказининг Чорсу майдонидаги тепаликда жойлашган. Мадраса биноси XVI асрда Наврўз Аҳмадхон—Бароқхоннинг ўртанча ўғли Дарвешхоннинг вазири Кўкалдош томонидан бунёд этилган.

Мадраса биносининг бош тарзи жанубга — Чорсу майдонига қараган. Баланд, гўзал гумбазлари ва пештоқлари билан бўйи 20 метрга тенг. Бинокор усталар, меъморлар мадрасани қуришда эътиборни бинонинг олд томонига қаратганлар. Мадрасанинг пойдевори ва деворлари пишиқ ғиштдан ганч аралашмаси билан мустаҳкам қилиб қурилган. Мадраса биносини қуриш ва пардозлашда асосан тошкентлик бинокор усталар қатнашганлар. Афсус, бино қуришда қатнашган усталарнинг номлари номаълум, бироқ бинони таъмирлаган усталар номи мадраса дарвозаси устига ёзиб қолдирилган.

Мадраса биносининг қурилиш услуби, тузилиши ва безагига келсак; чорси ҳовлиси кенг, ҳужралар ва очиқ айвонлар билан ўралган. Ҳовлининг "П"симон йўллари ҳужраларни масжид билан боғлайди. Ҳужралар сони 38 та.

Мадраса дарвозасидан кираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхоналар жойлашган. Масжид ва дарсхоналарнинг усти ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатилган гумбазлардан иборат. Мадрасанинг олд томонидаги дарчаларга панжаралар ўрнатилганлиги бинонинг чиройигачирой қўшган.

Бир неча асрлик тарихи давомида бу меъморий обида табиий офатлар—зилзилалар, ўзаро урушлар ҳамда ташқи ҳужумлар натижасида бир неча бор вайронага айланган, кейин қайта тикланган, таъмирланган. XVII аср охирида замон ўтиши билан бинонинг ташқи кўриниши ўзгарган, эскирган, безаклари кўчган, баъзи жойлари ҳатто қулаган ҳам. Натижада мадраса биносининг ички ва ташқи кўринишлари, безаги бироз ўзгарган. Мадрасанинг илк кўринишидан бизгача ҳовлининг тўрт томонини ўраган равоқли, гумбазсимон ҳужралари, устунли ёзги ҳужра айвонлари, ҳар томонлама ҳужралар билан ўралган чўзинчоқ ҳовлиси ва кичик ҳовли сақланиб қолган, холос.

Ана шу пештоқларда сақланиб қолган баъзи нақш қолдиқлари мадраса биноси ичи ҳам ўз вақтида юксак дид билан зийнатланганлигидан далолат беради. Бир замонлар Тошкентнинг кўзга кўринган йирик мадрасаларидан ҳисобланган бу бино XVII аср бошларига келиб, турли сабабларга кўра харобага, ташландиқ бир ҳолатга келиб қолади ва карвонсарой омбори сифатида фойдаланилади. Ўз даврининг олий ўқув юрти ҳисобланган бинонинг кўп қисми қор ва ёмғирдан нураган. Орадан кўп вақт ўтиб, XIX асрнинг 30 йилларида, аниқроғи 1830-1831 йилларга келиб мадраса биносининг айрим жойлари таъмирланган. Бинода форс тилида шундай ёзувлар бор: "Ушбу ажрйиб бинони 1830-1831 йилларда Азим Вали ўғли уста Аваз Муҳаммад тузатди: Бу бино сарой бош қўмондони Жаҳонгирбек ўғли Шодмонбек рахбарлигида бежирим қилиб қайта ишланди. Инсон ўлими ҳақ, бироқ унинг ишлари абадий қолади. Кошин ишларини уста Салимжон ўғли уста Олимжон бажарди", деган сўзлар ёзилган. Мадраса биносини таъмирлаш вақтида бинонинг икки ёни ва орқа қисмларининг иккинчи қавати бузилиб, унинг ғиштлари турли мақсадларда ишлатилиб юборилган. Мадраса биноси кейинчалик Қўқон хони томонидан қалъага айлантирилган. XIX асрнинг 60-йилларида (1865 йил, июн) Тошкент Подшо Россияси қўшинлари томонидан истило қилинганидан кейин мадрасани казармага айлантирганлар. 1868, 1886 йиллардаги кучли зилзилалар Кўкалдош мадрасасининг бош пештоқининг юқори қисмига қаттиқ зарар етказган, натижада, мадраса ярим вайронага айланган. Бу вайронагарчиликни тугатиш мақсадида аҳолидан тўпланган пул ҳисобига 1902-1903 йилларда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Лекин таъмирлаш ишларини қобилиятсиз, тажрибасиз усталар бажарганлиги сабабли мадраса биноси олдинги, асл ҳолатига келтирилмаган. Бош пештоқнинг юқори қисми тикланмай чала қолган.

Олий ўқув юрти ҳисобланиб келинган Кўкалдош мадрасасида турли даврларда Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидан ва ҳатто қўшни вилоятлардан келган кишилар, ёшлар билим олганлар ва бу ердан замонасининг буюк кишилари, мутафаккир олимлар, маърифатпарварлар, шоирлар етишиб чиққанлар. Мадрасада 1880-1890 йилларда Муқимий, 1889-1891 йилларда Фурқат, 1910-1911 йилларда Ҳамза истиқомат қилган, шоир Хислат ва бошқалар таҳсил олган. Мадраса биноси кучли зилзилалар натижасида бир неча марта вайрон бўлганлиги ҳамда қайта-қайта тузатилганлиги, ундан турли мақсадларда фойданланганлиги натижасида бино ўзининг дастлабки тузилиши, ҳолатини, миллий нақшларини сақлаб қолмаган. Айниқса, 1946 йилда содир бўлган кучли зилзила натижасида бино қаттиқ шикастланиб, мадрасанинг кўп қисми қулаб тушган.

Мадраса биносида таниқли халқ устаси Ширин Муродов томонидан 1930, 1956 йилларда ганчкорлик, сиркорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кейинги йилларда мадрасанинг бош ва ҳовли пештоқлари тошкентлик машҳур кулол Муҳиддин Раҳимов томонидан тайёрланган турли рангдаги кошинлар билан чиройли ва нафис зийнатланган. 1992 йили бухоролик таъмирчи уста Аҳрор Асқаров томонидан мадрасанинг жанубий ҳовли пештоқи сифатли қилиб тикланди. Натижада бу меъморий обида янада яшарди. Бинони безатишга, айниқса жиддий эътибор берилди, қадимий ва гулдор сопол нақшлардан фойдаланилди. Мадрасанинг олд томонига анъанавий усулда зинапоя ишланди. 1998 йилдан бошлаб, мадраса биносининг муҳандислик устуворлигини таъминлаш, ташқи ва ички тарзларини асл ҳолига келтириш ва атрофларини ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мадраса биносини ҳар жиҳатдан илмий асосда ўрганишда ҳамда лойиҳалаш ва таъмирлаш ишларида таниқли меъморшунос олим Абдужаббор Яҳёевнинг хизматлари салмоқлидир. Хулоса қилиб айтганда, XVI асрда бунёд этилган Кўкалдош мадрасаси биносининг асл ҳолига келтириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан кейин амалга оширилди, таъмирлашга катта маблағ ажратилди. Маданий-меъморий меросимизнинг бир қисми ҳисобланган мадраса биноси Республикамиз ҳукумати томонидан қонун йўли билан муҳофаза қилинмоқда. Мадраса биноси 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон Мусулмонлари диний иродаси тасаруфида. Бинода шу идорага қарашли "Кўкалдош" Ўрта махсус Ислом билим юрти жойлашган. Бу билим юртида Республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар сабоқ олмоқдалар.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Имтизомсизлик ва тартибсизлик муҳим ишларни адо этишда панд беришига кейинги кунларда яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Ўз имкониятларини чамалаб кўрмай ўта масъулиятли вазифани бажаришга киришган киши ҳолига тушиб қолишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Сизга яқин кунларда бўлар-бўлмас юмушларни уддасидан чиқиш учун таваккал қилаверишни маслаҳат бермаймиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Феълингизга хос бўлмаган тарзда ортиқча ҳис-туйғуга берилишингиз кўпгина муаммоларга сизни рўпара қилиши ҳеч гапмас.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Зиммангизда ҳаддан ташқари кўп масъулиятли ишларни юклаб ташлашларига йўл қўя кўрманг, бундан фақат афсуланасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Бордию фарзандларингиз ёки турмуш ўртоғингизнинг хатти-ҳаракатлари сизга ёқмаса, куч ишлатишдан ўзингизни тийинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Эскирган ва бутунлай ёдингиздан чиққан муаммолар туфайли яна ташвишлар оғушида қолишингиз мумкин. Босиқлик билан иш тутинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Атрофингиздаги кишилар орасида сизга хайриҳоҳларидан кўра ғаразлари кўплиги сизга анча "қимматга тушиши" мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айрим моддий қийинчиликларни ҳисобга олмаганда ишларингиз бир маромда давом этади. Кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда қизиққонлик қилмаслик сизни кўпгина ташвишу тўполонларда асрайди. Жаҳлингизни жиловлашга интилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Фақат ўз манфаатингизни кўзламасангиз, бошқаларнинг ғазабига учрамайсиз. Яқинларингизга меҳрибонроқ бўлинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Агар шу кунларда соғлиғингизга жиддий эътибор қаратмасангиз, кейинчалик бу борада анча ташвишда қоласиз.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви жамғарма қошидаги "Маҳалла муруввати" корхонаси раҳбари Шавкат Бокиевга укаси **Қобил БОЙМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"НАВРЎЗ"ДА НАВРЎЗОЛДИ ТАНЛОВИ



Яқинда пойтахтимиздаги "Наврўз" савдо-ишлаб чиқариш мажмуасида бўлиб ўтган ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар республика танловининг якуний босқичида 170 нафарга яқин соҳа ходимлари иштирок этди. Танлов якунида "Омад ёр бўлсин!", "Энг яхши ошпаз", "Энг яхши официант", "Энг яхши фирма таоми", "Ўзгача ва нафис тузалган стол" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

СУРАТДА: *Жиззах вилоятидаги "Власт-Элин" хусусий фирмасига қарашли "Эргаш ота" чойхонаси бош ошпази Ҳаким Муҳиддинов танловда ўзи тайёрлаган таомларни намойиш этмоқда.*

Маҳаллада болалар спорти

Тошкент шаҳар

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"ДАН УМИД

А.Икромов туманидаги Катта Қаъни маҳалласида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида қаратилган.

Маҳалла оқсоқоли Обиджон Ҳамидов ўзининг ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан маҳалла йиғини биносини қайта тиклади, каттагина спорт саройини, тиббиёт бўлими, сартарошхона, чойхона, маърифатхона каби маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини ҳам бунёд этди.

Кейинги кунларда спорт саройида шахмат-шашка, теннис, каратэ, кураш ва қўл тўпи каби спорт турлари бўйича тўгараклар кенг фаолият кўрсата бошлади. Тўгаракка қатнашаётган ёшлар энди бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Қолаверса, мазкур маҳаллалик Б.Каримбеков, Н.Қодиров, А.Муталов, Д.Муталов, Б.Соқиев каби спорт усталари мураббийлик қилиш истагини ҳам билдирдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғининг ташаббуси билан "Умид ниҳоллари" спорт соғломлаштириш мажмуи ташкил қилишга қарор қилинган эди. Мазкур қарорга биноан ўйингоҳ, чўмилиш ҳавзаси ва курашхона қурилиши бошланди.

Соғлом авлод жамият бойлигидир. Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук камол топишига хизмат қиладиган мазкур мажмуанинг қурилишига ота-оналар ҳам ўз ҳиссаларини қўша бошладилар. Жумладан, мажмуа раҳбари, тадбиркор Абдурасул Ҳамидов ўз ҳисобидан спорт кийимлари ва буюмлар ҳамда маҳалла "Болалар спорт жамғармаси"га 60 минг сўмлик маблағ ажратди.

Кўпчиликнинг ташаббуси билан қурилиб, ишга тушадиган "Умид ниҳоллари"дан умид катта.

СУРАТДА: *шашкачилар беллашуви қизиқарли тус олмоқда.*

Искандар АЛЛАМУРОДОВ

Наврўз қутловлари

СУРХОНДАН БАЙРАМ САЛОМЛАРИ

Бойсун тумани халқ таълими бўлими ҳамюртларимизни ва юртимиз меҳмонларини гуллар фасли баҳорнинг энг шукуҳли байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

* * *

Муҳтарам юртдошлар! Барчангизга Наврўзи айём муборак бўлсин. Қалбларингиз меҳр-мурувватга, хонадонларингиз қут-баракага тўлиб-тошсин.

Сурхондарё вилояти Электр тармоқлари корхонаси жамоаси

Менинг соддагина онам...

Саксонинчи йилнинг бошларида оила қуриб шаҳарга кўчиб келгач, қишлоққа камқатновроқ бўлдим. Йўлкира ҳам, вақт ҳам бироз тежалди. Бу ҳолат фақат онамга бироз ботди.

"ОШНОЛИГИНГ БОР БЎЛСИН-DA!"

— Ёзув-чизувни қишлоқда яшаб ҳам бемалол давом эттирса бўладику, — дердилар менинг уйда кам бўлишимга ростмана куйиниб.

— Ўғлинг ишлайдиган вилоят газетаси таҳририяти шаҳарда-да, — деб босиқлик билан тушунтирардилар отам. Нима бўлди-ю кечқурунги саҳифаларни ўқийдиган мусаҳҳиҳ аёл бетоб бўлиб қолиб, мени унинг ўрнига ёрдамга ўтказишди. Икки-уч ҳафта қишлоққа боролмадим. Кейин билишимча, онамнинг сабри тугаб, шаҳарга бораман, деб хархаша қилибдилар. Талаба укам йўл бошлабди. Кампир бир тандир нон ёпиб, сумкага жийда, ғўлин солиб юкни оғирлаштиргач, укам дами ичига тушиб йўлкирани мўлроқ олишларини тайинлабди.

Шаҳар бош бекатидан мен яшайдиган манзилгача таксида олиб боришни у ўшандаёқ ўйлаб қўйган-да. Шофиркон—Бухоро йўловчи автобусида Бухорога етиб келгач, укам елдек учиб бораётган таксига қўл кўтаради. Такси онам билан укамнинг ёнгинасига келиб тўхтайди. Юклар ортилгач, онам орқа ўриндиқда, укам шофёрнинг ёнидаги ўринда ўтиради. Йўлда кетаётиб соддафеъл онам таксичи йигитни узундан узоқ дуо қилади. Ҳожатмандлигини қишлоғимиздаги Эркин шофёрга қиёс қилиб роса мақтайди. Унинг хонадонига Ҳасан-Ҳусан ўғиллар тилайди. Таксичини укамнинг яқин таниши деб ўйлаб, узоқдаги уруғдан, яқиндаги ҳамсоя афзаллигини уқтиради. Хушмуомала шофёрнинг ширин муомаласига қараб ҳақиқий ошночилик ҳар лаҳзада асқотишини, бундай ошночиликнинг умрбоқий бўлишини тилайди.

Менинг яшаш манзилимга етган пайт онамнинг қўллари дуога очилади. Табиийки, укам онамдан шофёрнинг ҳақини беришни сўрайди.

Онам бир лаҳза лол қараб қолади. Бечора талаба укам иккинчи бор илтижосини қайтаради. Онам ғижим рўмолининг учини очиб, айтилган пулни санаб беради.

Такси ортга қайтади. Укам олдинда, раҳматли онам ортидан "ошнолигинг бор бўлсин-да" деганча ғудраниб борармиш.

Дилмурод ЖАББОР

Огоҳлик

ОЛОВ ҲАМ ДЎСТ, ҲАМ ДУШМАН

Ёнғин халқ хўжалигига катта зиён етказувчи, турар жой ва хусусий мулкларни барбод қилувчи, баъзан кишиларнинг майиб ва ҳалок бўлишига олиб келувчи офатдир. Афсуски, турар жойларда ёнғин чиқишига кўпинча фуқоларнинг ўт чиқиш хавфига парвосиз қараши, электр асбоблари, газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлади. Болаларнинг гугурт билан ўйнаши натижасида ҳам жуда кўп ҳолатларда ёнғин чиқади ва бу ёнғинларда кўпинча ўша болаларнинг ўзлари тан жароҳат олади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун кундалик рўзғорда риоя қилиниши шарт бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз:

— кекса ва ўсмир ёшдаги одамларни уйда қаровсиз қолдирманг;

— иш жойингизда, уйингизда қўл бола электр иситиш воситаларидан фойдаланманг;

— ёниб турган газни қаровсиз қолдириб, уларни ёқиш ёки ўчиришни болаларга ишониб топширманг;

— газузатгич ва газ пилита ёнига буюмлар тахлаш ва хўл буюмлар, кийим-кечакларни қуритишга йўл қўйманг;

— газузатгич ва газ асбоблардан газ сизиб ўтиш-ўтмаслигини текшириш учун уланган жойларига ёниб турган гугуртни яқинлаштириш мумкин эмас (газнинг сизиб ўтиш-ўтмаслиги фақат совунли сув суркаш йўли билан текширилади);

— қуриган шох-шабба, хазонларни ёки чиқиндиларни ёқманг;

— ёнғин чиққан тақдирда дарҳол 01 телефон рақами орқали ўт ўчирувчиларни чақиринг, шундан сўнггина мавжуд воситалар ёрдамида ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилиш лозим.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ёнғин хафсизлиги бўлими.

Утерянный диплом ИТ—I 142332 выданный Ташкентским коммун.-строит. техникумом на имя Эшматова Шухрат Хурсановича в 14.03.1991 году считать недействительным.

ООО "SINAY—SERVIS" объявляет о преобразовании в Частное предприятие "SINAY—SERVIS" и об уменьшении Уставного фонда с 7.500.000 до 400.000 сум.

Янгийўл тиббиёт билим юрти томонидан 1978 йили Дуйсенбоева Парида номига Я-I 323424 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянный гос.ордер 04-01/2028 от 28.12.1992г.о праве собственности Чурина Олег Ивановича на квартиру считать недействительным.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

10214 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222 Топширилди — 21.00
1 2 3 4 5